



Ишқни оловлантирган сув ёхуд “Қаро кўзим”



Бир донишманддан: дунёда энг кучли лаззат нима? — деб сўраганларида, у: сўз лаззатли, сўз санъатидан хузурланиш, деб жавоб берган экан. Чинданам шундай. Инсоннинг маънавий камолоти, ақл ва тафаккур кудратини намойиш этувчи, ижод ва истеъдод меваси бўлмиш бадиий Сўз кишига олам-олам завк багишлайди, хайрат ва хаяжонимизга сабаб бўлади. Аммо мўъжизалар мўъжизаси — бадиий сўз лаззатини туйиб, рухий халоват олиш учун уни чуқур идрок этмок, асар маънолари-нинг бутун нозик жихатларини кат-катигача тушуниб етмак лозим. Айникса, сўз санъатини гоят баланд кадрлаган ва тил, услуб томонидан биздан анча узоклашиб колган классик

шоирларимизнинг мажоз ва истиоралар, ўзига хос йўсинда пардаланган маъноларга бой асарларини тушуниш, ўқиб-уқиш хийла кийинчиликлар тугдираётгани сир эмас. Жумладан, улуг Навоий асарлари ҳам. Олимларнинг тадқиқотлари, “Хамса” дostonларининг насрий баёнлари, алохида нашрлар учун тузилган изоҳлар, “Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли лугати” мушкулумизни бир қадар осонлаштирган бўлса-да, лекин буюк шоирнинг “маънолар хазинаси”ни кашф этиш, унинг бемисл санъати сирларини очиб, шеърят ихлосмандларини ундан бахраманд қилиш эҳтиёжи батамом кондирилган эмас. Назаримда, бу ишни янада давом эттириб, Судий Баснавий каби қадимги шарҳчиларнинг иш усулидан фойдаланиш анча самарали кўринади. Зеро, модомики Саъдий, Хофиз, Жомий, Навоий замондошлари учун газални байтма-байт, мисрама-мисра, хаттоки сўзма-сўз “майдалаб” тушунтириш лозим бўлган экан, бизга бу яна ҳам мухимрок ва заруррокдир.

Шуларни ўйлаб, тажриба тарикасида Алишер Навоийнинг айрим газалларини классик шарҳ усулида тафсир қилишни лозим топдик.

Бу газал куйидагича бошланади:

Каро кўзум, келу мардумлик эмди фан қилгил,
Кўзим каросига мардум киби ватан қилгил.

Аммо Тўйчи хофиз Тошмухаммедов XX аср бошида ушбу газални “ушшок” куйига солиб куйлагандан кейин у “Каро кўзим” номи билан машхур бўлиб кетади. Айтишларича, хофизнинг ёш бир фарзанди бевакт олам-дан ўтгандан кейин ушбу газални кўшиқ қилиб куйлаган экан, ўзининг дарду хасратини куйга солиб, нола қилган. Ха, кўшиқ хофизнинг илохий овози билан ниҳоят таъсирчан жаранглайди, Навоий сўзлари юрак қатларига сингади.

Аммо Навоийнинг сўфиёна маъноларини англаган одамга Тўйчи хофиз ушшоги яна ҳам кучлирок таъсир этади. Зеро, “ушшок” ошиқлар дегани, яъни ошиқларнинг ишқ дарди, айрилик ва садокат изхоридан хосил бўлган туйгулари нолази, фалакка ўрлаган фиғон бу. Ушшок — шашмаком куйларидан. Шашмаком сўфийлар макомотининг мусикавий ифодаси. Демак, ушшок Илоҳга интилган рухнинг нолаларидан бири.

Дарҳақиқат, ушбу газалда ошиқнинг етуклик ва қамолот тимсоли — Комил инсонга муҳаббати ифодаланди. Тасаввуф лугатларида кўз — Комил инсон тимсоли деб шарҳланади, чунки у фақат ўзгаларни кўради, ўзини эса кўрмайди. Агар юз илохий зухуррот рамзи бўлса — кўз шу зухурротни жамлаган манбаъ — мазхар қомил-ликнинг рамзи. Кўзни севиш орқали илохий жамолни севиш ифодаланади. Навоий қахрамони ана шу Инсонни ўз кўзининг гавхарига айлантirmокчи — қалб чироғи этмокчи бўлади. Шоир ишлатган сўз ўйинлари ҳам шунга йўналтирилган: “мардум” — кўз қорачуғи ва ин-сонийлик маъносида келади, “фан” — одат, ўрганиш ва тадбир.

Шундай қилиб, байтнинг мазмуни: “Қора кўзлугим (гўзал ёрим), қел энди, одамийлик мурувватини расм қилгин (ўрганиб ол); кўзимнинг қорачиғига (гавхарига) гавхар (қорачиғ) каби ўрнашгин (маскан тут)”. Алхосил: “қора кўзлугим, қелгин-да, лутф-шафқат, вафо расмини туз (вафоли бўл), мен учун сен кўз қорачиғидай азизсан, жойинг кўзим ичида”.

Демак, Қомил инсон, пири Қомил Навоий учун энг азиз, энг маҳбуб, энг қадрли ва уни кўз қорачиғидай ас-рашга интилади, унга талпинади, бутун вужуди билан шу вужудга сингиб кетмокчи бўлади.

Бундай байтлар классик танкидчиликда шоирлик махоратининг баланд намунаси-хусни матлаъ (шоҳ байт) деб баҳоланган.

Газалнинг иккинчи байти:

Юзунг гулига кўнгул равзасин яса гулшан,
Кадинг ниҳолига жон гулшанин чаман килгил.

Бу байтда сўз ўйини, мажоз йўк, аммо бир-бирига вобаста бўлган тўртта истиорали бирикмадан фойдаланиб, ўзига хос бир илтижо охангини кучайтирувчи зарофатли тасвир хосил килинган. Булар: юзинг гули, кўнгил равзаси (кўнгил боги), жон гулшани иборали. Гул, бог, ниҳол, гулшан, чаман ўзаро алоқадор тушунча-образлар. Шунинг учун ҳам мазкур байтни тушуниш унча кийинчилик тугдирмайди, воқеан кўрилган образлар ҳозирги шеъриятда кенг ишлатилмоқда. Бирок, шунга карамай, Навоийнинг бу сатрлари ҳам ички рамзий маънодан холи эмас. Кўлланилган иборалар фақат бир маънони ифодалайди, десак хато киламиз. Чунончи, “Кадинг ниҳолига жон гулшанин чаман килгил”, деганда Навоий кўришиб турган зоҳирий маъно билан бирга, араб ёзувининг хусусиятидан фойдаланиб (“жон” сўзи арабча ёзилганда алиф харфи ўртада келади), кадинг алифдай жон ичида бўлсин, деган маънони ҳам кистириб кетган. Шу сингари, “кўнгил боғини гулшан килиш” деганда, хурсандчилик (кўнгилнинг ёр юзини кўриб гулдай очилиши) ва бунинг тескараси дард-махзунлик (ишк изтиробидан кўнгил яраларининг яллиғланиши) маънолари мужассам.

Алҳосил: “Эй ёр, кўнглимнинг боғини юзингнинг гули учун гулшан кил, жонимнинг гулшанини эса кадинг ниҳоли учун чаман килгин”. Ёки: “Менинг кўнглим, калбим сенинг гул юзинг яшнаб турадиган гулшан бўлсин, кадинг ниҳоли жоним ўртасида алифдай турсин”. Ёхуд: “Сенинг гулдай юзингнинг жойи менинг кўнглим, у кўнгил яра-ларига даво, у калбим гулларини яшнатади. Ўзал суратинг, баланд, зебо коматинг жоним ичида, бу ерни ўзингга макон кил”.

Бу байтнинг сўфиёна маъноси эса куйидагича: боя биринчи байтда кўз Комил инсон тимсоли дедик. Кад эса (шу каби алиф ҳам) Комил инсон хайкалидир. Юз, айт-ганимиздай, илохий ўзаллик мазҳари. Энди “юзинг гули” — мазҳарининг порлаши, яшнаши, кўнгул равзаси (боги) — ошиқнинг Ёрга интизор калби. Шундай экан, шоир Комил инсоннинг порлаган нури калбимга кирсин, яъни Ёр юзининг гулини кўнгил боғига ўтказиб, гулшанга айлантирай, дейди. “Гулшан” эса бу ерда Пир ёки Комил инсон сўзи, дийдоридан калбнинг яшнаб кетишини англатади.

Иккинчи мисрада биринчи мисрадаги маъно кучайтирилган: комил инсон хайкали ҳам жон ичида бўлсин — маъшука образи калбда нақшлансин.

Учинчи:

Таковарингга багир конидин хино боғла,
Итингга гамзада жон риштасин расан килгил.

Таковар — тез юрадиган, йўрга от. Маъшук уни ми-ниб сайрга чикканда ошиқ дарди баттар ортади, безовталанади. От ва унинг суворийси саркаш, бебок, бепарво. Бу анъанавий тасвир ҳар хил кўринишда классик шеъриятда тез-тез учраб туради. Бирок ана шу анъанавий образларни Навоий халқ ичида кенг тарқалган хино кўйиб ясаниш одати билан боғлаб, чиройли, завкли поэтик маънони юзага чиқара олган. Хино кўйиш

Шарк халқдари, жумладан ўзбек халқи орасида қадимий удум. Айникса, киз-жувонлар, келинлар шодиёна кунлари кўл-оёқлари, юзларига хино кўйиб ясанганлар, бу шодлик ва хурсандчилик қилиш белгиси ҳисобланган. Хино махсус ўсимлик баргидан олинади. Барг қуритилиб, ях-шилаб сувга аралаштирилади ва байрам арафасида кеч-қурун кўл-оёқларга (кафтга, бармоқларга), сочга боғланади. Эрталаб турганда, хинонинг тўқ қизил ранги баданга кўчади ва узок сакланиб туради. Навоийнинг лирик қахрамони эса ўз маъшуқига мурожаат қилиб, ўзига эмас, балки отига ошиқнинг бағир, яъни жигар қонидан хино боғлашни илтижо қилиб сўрайди. Чунки у ёрини шу даражада севадики, унинг ҳар қандай жафосига чи-дашга тайёр, йўқ-йўқ, бугина эмас, у ёрга ёлвориб, хоксор ошиқни азоблаш, қийноқлар гирдобига олишни тилайди. Ахир ёр қийноқлари ошиқ учун ҳузур-халоват-да! (Хино гул, гулшан сўзларига ҳамранг бўлиб, сўфиё-на тасвир ҳам ўзаро боғланган). Иккинчи мисра иборалари ҳам шунга туташиб кетади: ишқ дарди изтиробидан ингичкалашиб қолган жон ипидан (риштасидан) арқон ясаб (расан-арқон) маъшук ити бўйнига боғлашни хоҳлайди. Ошиқсадокати шундай бўлиши керак. У ёр ити билан суҳбат қуришдан оро қилмаслиги, унга ҳам дил розиешкини сўйлаши, уни қучоқлаб ўпиши (Мажнун Лайли итини оғушига олгандай) ва ҳатто унга жон фидо қилиши мумкин. Навоий ана шундай садокат тимсолидан илҳомланиб, ёрига мухаббатини муболага авжида изҳор этади. Хуллас, байтнинг умумий маъноси бундай: “Эй ёр, сарқаш, йўрга отингнинг оёқларига менинг жигаримнинг қонидан хино боғлаб, гамингда қийналиб, озурда бўлиб қолган жон ипини итингнинг бўйнига арқон қилиб боғла”.

Тўртинчи байт:

Фирок тоғида топилса туфроғим, эй чарх,
Ҳамир этиб ани яна ул тоғда кўхқан қилгил.

Кўриб ўтилган олдинги уч байтда лирик қаҳрамон ўз садокатини билдириб, илтижо-ёлбориш оҳангида ёрга мурожаат қилган бўлса, тўртинчи байтга келиб у фа-лакка (чарх-фалак, осмон) қараб нола-фигон билан му-хаббат кудратидан жўшиб гапиради. Лекин шуниси борки, мазкур байт мазмунан аввалги байтлардан бутунлай узилган эмас. Зеро, бунда ҳам ишқ ва ошиқлик сулуқи, фидойи қалбнинг талпинишлари қуйланган. “Ўксўзлар” бу ерда фирок тоғи ва кўхқан бўлиб, булар Фарходнинг фожеали тақдирига ишорадир. Фирок тоғи — энг оғир айрилик, улкан дард; айриликда Ширин ёдида жон берган Фарходнинг маскани. Фарход эса илохий ишқда садокат кўрсатиш, ўртаниш, андух ва ҳажр тажассуми. Эсингизда бўлса, Алишер Навоий “Фарход ва Ширин” достонида Фарход исмига рамзий таъриф берар экан, уни Фирок, Ранж, Ҳажр, Ох ва Дард сўзларининг биринчи ҳарфларидан тарқиб топган дейди.

Кўхқан ҳам Фарходнинг лақаби. Бу сўзнинг лугавий маъноси — тоғ қесувчи, тоғ қазувчи демак. Лекин адабиётда Фарход лақаби сифатида ёки Фарход исми ўрнида истиора-символ бўлиб тарқалган. Чунки тоғ қесиш, не-не машаққатлар билан ариқ қазиб, сув чиқариб, (Низо-мий сўт оқида), Ширин орзуларини ушатган, аммо муродига етмаган ошиқ Фарходдир. Ҳосили қалом, шоир одамнинг лойдан яралганлиги ҳақидаги афсонага суяниб, дейди (байтнинг мазмуни): “Эй фалак, айрилик тоғида, яъни Фарход жон берган жойда) менинг жасадимнинг тупроғини агар топсанг (чунки мен ҳам Фар-ход қаби ишқ йўлида тупроқман), уни қайта қориб, яна ўша кўхқан — Фарход, яъни фидойи ошиқ, одамни яратгин”. Ёки: “Менинг ишқдаги дардим Фарход дарди билан баробар, балки ундан орқин ҳам. Агар мен маъшук ишқи йўлида жон берсам, тупроғимни янғидан қориб

одам яратсалар, тагин Фарход каби ошик жисми вужудга . келади”.

Бу ерда хакка бўлган ишкнинг азалий ва абадийлиги, Одам атодан колганлигига ишора бор.

Бешинчи байт:

Юзунг висолига етсун десанг кўнгулларни
Сочингни бошдин-аёк чин ила шикан килгил.

Шоир яна ёрга мурожаат қилишга қайтади. Аммо ав-валгидай ёлбориш-муножот охангида эмас, балки унинг ошиклар кўнглини овловчи жамолини (соч — хусни жамол нишонаси ва тажаллий олами) васф этиш орқали муносабат билдиради, ёрга бўлган меҳр бошқача йўсинда изохланади. Байтнинг мазмуни чин ва шикан сўзларини изохлаш воситасида очилиши мумкин. Чин ва шикан маънодош (синоним) сўзлар, яъни: чин — 1) рост, тўгри (ўзбекча маъноси); 2) ўрам, букум, халка-халка шаклида бўлиш (форсий маънолари). Навоий бу ўринда иккинчи маънони назарда тутган. Шикан — печу топ, каткат бўлиш, ўрам-ўрам, занжирсимон шакл олиш; 3) исканжа, азоб. Мисрада шиканнинг хар икки маъноси хам акс этган. Чунки ёрнинг халка-халка бурамали зулфи ошик кўнглини илинтирадиган тузук, тузукка тушган куш азоблангани каби кўнгил хам шундай изтироб-укубатни бошдан кечиради (сочни тузукка, кўнгилни кушга ўхшатиш байтда зимдан англашилиб турибди). Аммо ошик бунга мингданминг рози. Ахир ёр зулфининг домига гирифтор бўлмай туриб, унинг висолига муяссар бўлиш мумкин эмас-да! Агар акл зулфнинг бандида бўлиш бу қадар рохат эканлигини билсайди, оқиллар занжиримиз изидан девона бўлардилар”, дейди Хофиз. Бедил бўлса “Зулфининг занжиридан минглаб дил кўзголади” деб ёзган.

Нега шундай, нега кўнгул ёр зулфи халкаларига илин-май висолга етиши мумкин эмас? Бу саволга, юкорида айтилганлардан ташқари, яна тасаввуф тимсоллари маъносига суяниб қуйидагича жавоб бериш мумкин: тасаввуф бўйича, соч — мавжуд дунё рамзи, юз эса илохий манбаъ рамзидир. Яъни: Мутлакрухдунёни яратар экан, унга ўз нурини таратиб (тажаллий этиб) харакатга келтирган. Хусну жамол бағишлаган. Дунё — касрат, яъни кўпликни англатади, бунда илохнинг сифатлари мужассам. Дунё бепоён ва илох манбасига нисбатан коронгирок — зулматли. Сочнинг узунлиги ва коралиги хам дунёнинг бепоёнлиги ва зулматига ишора. Сочнинг халка-лари — солиқ рухи овора, банд бўладиган дунё ташвишлари. Сочнинг учи — инсоннинг ўзи. Бошқача айтсак, инсон тажаллийётнинг охиридир, у асл манбага қайтишга интилади, чунки у Мутлакиятдан ажралган, хижронда. Лекин дунё ташвиши, зулматини — халкаларини енгмасдан туриб, Мутлакрухжамолига мушарраф бўлолмайди. Висолга эришолмайди. Навоий байти ана шунга ишора.

Ва умуман, Шарк поэтикасида маъшук юзини гул, гулшан, гунча, куёш, ой; кошени камон, ярим ой; кип-ригини камон ўки; лабини лаъл, гунча, акик; тишларини гавхар, марварид, садаф; каддини ниҳол, сарв дарахти, алиф харфи, шамшод; сочини занжир, тузук, тун, шом; кўзини жодуга, оху кўзига ўхшатиш расм бўлган. Хар бир шоир шу анъанавий ташбех — образлар таносубиятидан янги маъно, янги тоза тасвирлар яратиб, ўз махоратини намойиш этган. Шархлаётгани-миз байтда соч шунчаки тузукка ўхшатилмаган, балки у бир жозоба манбаи, жамолнинг зухур этиш нуктаси сифатида кўрсатилган. Махбубнинг ошик олдида ўзини оро беришга даъват бор. Шу тарика, байтнинг умумий мазмуни: “Агар юзинг висолига кўнгилларнинг етишишини истасанг,

сочинг (зулфинг, кокилинг)нинг хаммасини халка-халка, бурам-бурам килиб юр”. Ёки: “Кўнгилларни асир этиб, васлингга мушарраф килмокчи бўлсанг, сочингни занжирга айлантириб, уларни богла ёхуд тузук халкаларидай бурам-бурам килиб илинтириб ол”. Ва яна: “Илох жамолига, Комил инсон хузурига етмок учун жами изтироб ва азобларга розиман, эй ишк занжиринг-ла богла”.

Олтинчи байт:

Хазон сипохиға, эй богбон, эмас монеъ
Бу бог томиға гар игнадин тикан килгил.

Бу — “Каро кўзим” газалининг мураккаб маъноли тагдор байтларидан бири. Шоир ишқу ошиклик, севги ва садокат хакида ёзиб келиб, орада бирданига дунё ва унинг ишлари, умр, хаётнинг ўткинчилиги тўғрисида фалсафий мушоҳадага берилади, бир армон-орзикиш, афсус-хасрат аралаш махзунлик кайфияти юзага балкийди. Ёр жамоли васфи, садокат изхорининг хушхолликларидан кейин буни қандай тушуниш мумкин? “Хазон сипохи” — куз лашкари, хазонрезги пайт демак. Тикан, игна билан лашкарнинг найзалари ҳам киёсга олинган: сон-саноксиз кўшин кўлидаги учли найзалар узоқдан осмонга каратиб терилган игналардай кўринади. Бирок гап факат шу ташбехда эмас. Бунинг ўзи билан мазкур байтни шархлаб бўлмайди. Бу ўринда Алишер Навоий ўз даврида кенг тарқалган яна бир одат — бог ва ховлиларнинг девори устини тиканакли буталар билан ўраб чиқишни назарда тутиб фикр юритган. Бог ичидаги меваларни зараркунанда хайвонлар ва ўғрилардан кўриклаш учун шундай килинарди. Шоир шунга ишора килиб, дейдики, эй богбон, сен богингнинг деворларинигина эмас, унинг томи устини ҳам бутунлай хатто игнадан тиканлар ясаб, беркитиб чиксанг-да, уни хазондан саклаб коллолмайсан, барибир куз келади ва дарахтлар барги хазон бўлади, яъни байтнинг мазмуни: “Эй богбон, бу бог томини игнадан тиканаклар килиб ёпиб чиксанг ҳам, куз кўшинининг хужумига монеълик киллолмайсан”. Чунки инсон фалак айланиши, замонларнинг ўтиши, табиат қонуниятларига қаршилиқ килишга ожиз. Шундай бўлгач, ёр висолига интил, ганимат дамларини беҳуда ўтказмай умр шодликларидан бахраманд бўл. Бунда яна ўткинчи дунёга меҳр кўйиш, олам-олам кўшин йигиб жаҳонгирлик килиш, молу мулк йигишга қарши фикр ҳам мужассам. Зеро, қанча меҳр кўйма дунё бакосиз, факат илохийёт абадий, ўшанинг ёдида яша. Вафоли ёр ҳам шу Оллохнинг ўзи. Маълум бўладики, байт охангида хазинлик сезилса-да, лекин ботиний маъно хулосаси хаётсеварликка хидоят этади ва шу асосда олдинги байтларга билвосита боғланади. Навоий ошиқ садокати, ишқ кудратини қуйлаб, ёрдан вафо тилаб (“кўзим гавхарига жойлашиб олгин”), умрнинг ўткинчилиги муқаррарлигини далил келтирган.

Еттинчи байт:

Юзида терни кўриб ўлсам, эй рафик,
мени Гулоб била юву гул баргидин кафан килгил.

Олтинчи байтдаги қайхоний фалсафий хикмат бу ерда йўқ, шоир яна ишқ мавзуига қайтади. Аммо, шунга қарамай, бу байт ҳам олтинчи байтнинг бевосита давоми ва мазмун-маъноларнинг микёсийлиги, теранлиги билан ундан мураккаброк. Нега шундай деяпмиз? Зохиран қараганда, ҳамма нарса аниқ-равшан: тер, гул, гулоб нима эканини кўпчилик билади. Махбуб юзидаги тер гул баргидаги шабнам сингари жозибали ёхуд

гулдан олинадиган хушбўй доривор ичимлик — гулобдай ёкимли. ‘Тулоб — гул суви, атиргул япрокларидан олинадиган хушбўй ичимлик’ (“Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли лугати”, 1-жилд, 417-бет). Гулобни амбикдеган махсус асбоб воситасида олганлар, у молихулиё, хафакон касалликларига даво бўлган; таомга, ичимликка кўшиб истеъмол килинган. Бехуш одамнинг юзига гулоб сепиб хушига келтирганлар. Шоирлар махбуб юзига томган кўз ёшини ҳам мажозан гулоб дея тасвирлайдилар. Аммо мазкур байтда бу маъно кўзда тутилмаган. Тер форсчада — “хай”, арабчада-“арак”. Аракнинг иккинчи маъноси ичимлик эканлиги маълум, шу ҳам аниқки, у гулобга ўхшаган йўл билан хосил килинган: “Арак” — ...дориворларни пиширишда бугдан хосил килинадиган сув” (“Гиёсул-лугат”, 342-бет). Шундай килиб, арак ва тер сўзлари маънодош, яъни бугдан пайдо бўладиган тер томчилари йигилиб, арак ву-жудга келади. Шоир тасвирига кўра, ёр юзи бамисоли гул ва ундаги тер томчилари гулдан олинган гулоб. Ажиб дилрабо сурат. Боз устига, ташбехланувчи сўзлар яширин ра-вишда, истиора тарикасида келтирилиб, завқди санъат яратилган.

Булар хаммаси маъкул, бироқ шархимиз кишини каноатлантирмайди, чунки байтнинг маъноси хали равшанлашган эмас. Масалан, нима учун ошиқ ёр юзида терни кўрганда ўлиши керак? Терда яна қандай хикмат бўлиши мумкин? Балки унда биз илгамаган бошқа мажозий маънолар бордир?

“Тожиқ тилининг изоҳли лугати”да арок сўзининг хижолат тортиш, хаё, уят (хаёдан терга ботиш, уят терларини окизиш) каби кўчма маънолари борлиги айтилади (1-жилд, 80-бет). Бу бизни бирмунча мақсадга яқинлаштиради. Дарҳақиқат, тер инсоннинг рухий холатларидан бири — уялиш, хаё нишонаси, хаё эса энг шариф хислатлардан, кишини гўзал ва севимли, мунис, мўътабар киладиган хислат. Носир Хусрав ёзади:

Хаё асл аст дар зоти инсон,
Ки дорад одамиро одамисон.

(Хаё инсон зотининг асл белгиларидандир, у одамни одамий кийёфасида тутиб туради). Алишер Навоий эса “Махбубул кулуб” асарида хаёни вафо билан ёнма-ён кўйиб, бундай хикмат дурларини тизади: “Хар кўнгулниким вафо маскан килур, хаё ҳам килур ва хар маскандаким ул топилур, бу ҳам топилур. Вафосизда хаё йўк, хаёсизда вафо йўк. Хар кимда бу икки йўк — имони йўк ва хар кимда имон йўк — андин одамийлик келмак имкони йўк”. Хаё сўзи шу тарика ўзида, яна номус, виждон, карам ва саховат каби ахлокий фазилат тушунчаларини жамлаган.

Навоийнинг лирик кахрамони севган одам ана шундай “ахли хаё — комил инсонлар”дандир. Шундай маъшукнинг жамолига етишганда у жонини фидо қилишга тайёр. Воқеан, хаё висол лахзасида, ушшоқ ахли бир-бири билан яқинлашганда яна ҳам кучаяди. Ёр жамолининг тажаллиси, салобат ва хаяжон шиддати шундай холга сабаб бўлади. “Хаё — бир-бирига яқин одамларнинг ахволи жумласидандир ва яқинлик канча ошса, хаё ҳам ортади. Ва кимдаки хануз хаё холати юзида акс этмаса, бу аломат унинг яқинлик (мухаббат) мартабасига эришмаганини кўрсатади”, дейди эронлик адабиётшунос Саййид Жаъфар Сажжодий ўзининг “Орифлар истилохоти лугати” китобида.

Демак, хаё — мухаббат нишонаси, ёр жамолини мушохада этиш, рухий-маънавий соғинч ва ташналикни кондириш сари интилишда калб кўзголишидан чехрадан ёгилган нур ва сафодирким, шоирлар буни тер образида тараннум этганлар. (Шу ўринда ўзбекча “Меърожнома”дан бир мисол келтирмоқчимиз. “Меърожнома”да тасвирланишича,

Мухаммад Мустафо Бароки бодпойга миниб, нур нарвонидан аршга кўтарилар экан, ёр — худо дийдорига мушарраф бўлиш иштиёки, мухаббат зўридан терга гарк бўлади:

Хар аракким, мисли маржону гухар,
Айлади пайдо тани хайрулбашар,
Андин ок гулни дарахти бош чекиб,
Яшнади бир соат ўтмай очилиб.

Балки хазрат Навоий айнан ана шу терни, ана шу гулни назарда тутгандир? Ок гул ва дорулбако кийими — кафан ранги бир хилку).
Гўзал, навкирон махбуб юзидаги тер уни яна хам дилрабо, дилкаш килади. Мирзо Бедил: “Аз сафои оразат жон мечакад, гохе арак” (Юзинг сафосидан гох жон томади, гох тер). Тер — сув. Рахмат суви — обихаёт:

Юзунгда хай эмас, оби хаёт катрасидин
Куёш жамолига сунъ илги такди зеварлар.
(Навоий)

(Юзингда тер эмас, балки тангри кўли оби хаёт — тириклик суви катраларидан куёш жамолига таккан марваридлардир).
Улуг шоир наздида тер покизалик, файз ва жило, тароват, ёр жамолининг порлашидир. “Хар ён юзда тер окиздингму?” мисраси билан бошланадиган газалида у терни яна сафо-ёгду, ой атрофидаги юлдузлар, хиж-рон ёшларига киёслаган бўлса, бошка бир газалида “Юзида тер фитнасидан ўлсам ажаб эрмас” деб ёзади ва терни рухни галаёнга солувчи куч сифатида таърифлайди.
Сув — тер софлик рамзи экан, бу Пири Комил Калбининг мусаффолиги хам.
Хулласи калом, олтинчи байт мазмунини бундай баён этиш мумкин. “Ёр юзида терни, яъни вафо аломати — инсонга розилик нишонаси хамда покиза калб сафосини кўриб, шу кувонч хаяжони ичра жон берсам, эй дўст, мени ёрнинг гул юзидаги тер томчиларидан хосил бўлган муборак сув — гулоб билан ювгин-да, ўшал гўзал юзни эслатувчи гул баргларига ўраб кўмгин”. Бу ошикнинг айни вақтда армони ва “Каро кўзим” газалида куйланган садокат гоёсининг чўккиси! Чунки ошик хар бир байтда ёрга бўлган мухаббатининг чексизлигини билдириб келди, уни кўз гавхари ўрнида кўриб, багир конидан хино килишни таклиф этди, юракни, жонни, кўнгилни бир-бир унинг йўлига багишлади. Шунча илтижолардан кейин агар мабодо ёр лутф этсаю муродимга етсам, хаётимни бус-бутун унга курбон килардим, дейди садокатли ошик еттинчи байтда.
Мазкур байт мазмунидан Навоийнинг хаётсеварлиги, хаёт ошиги эканини хам англаш кийин эмас: гул ва гулоб тириклик рамзи, гулоб билан гулга ўраш эса шу маънода кишига абадий хаёт багиш-лаш демак.

Саккизинчи байт:

Навоий, анжумани шавк жон аро тузсанг,
Анинг бошоклик ўкин шамъи анжуман килгил.

Анжумани шавк — шоир ошик калбидаги иштиёк-истакнинг авж олиши, ёрга етишиш орзуси тараддудини шу ибора билан ифодалаган (иборанинг лугавий маъноси —

орзумандлик, кучли рағбат мажлиси, маъракаси). Бундан рухий хаяжон, кўзголиш, сурур бўронининг бошланиши ҳам англашилади. Жон ичида шундай анжуман тузиш кўнгилинг нурли орзуларга лиммо-лим бўлишидир. Бошоклиг ўк — ўткир учли, ўткир тигли камон ўки. Ўк учининг бошокка ўхшашлиги ҳам эътиборга олинган. Шундай кўринишда у чиройли киприк ва ёниб турган шамъга шаклан монанддир. Вокеан, “бошоклиг ўк” деганда, Навоий ёр кипригини айтмоқчи. Чунки, киприк-мухаббат ўки, кайсиким, тўгри юракка бориб кадалади. Байтнинг мазмуни: “Эй Навоий, агар жон ичида шавк-хаяжонли рағбат мажлисини тузмокчи бўлсанг, ёр киприги-ўкини шу мажлисининг шамъи кил”. Бу ерда иккинчи байтдаги китобат санъати янги деталлар воситасида кайтарилган, яъни киприк алиф харфига ҳам ўхшайди, унинг жон орасидаги мажлис шамъи бўлиши — жон ўртасида алифдай жойланиши демак. Шу зайлда, улуг шоир бир йўла бешта ашёни бир-бирига ташбеҳлаб, хайратомиз махорат кўрсата олган.

Бунда куйидаги тасаввуфий маъно ҳам бор: киприк-ўк соликнинг хол макомидаги айни шавкка тўлишган пайтида чакин каби порлаб унинг кўнглини ёритадиган илохий жазба-илхом вахийлик тимсоли ҳам. “Анжумани шавк” бу ўринда хол макомига кўтарилишни англаиб келади.

Алхосил, охирги байтнинг хулосавий маъноси шуки, ошикнинг ёр висолига интилиши чексиз бир орзу, кўл етмас идеалига талпиниш. Зотан, ахлокий покланиш ва бу покликка мухаббат мутассил давом этадиган, чин инсон калбини ёндириб турадиган туйгу. Ёр дийдори орзуси юрагингни банд этиб, зўрайса, тўлиб тошсанг, унинг кипригини шу орзу авжининг чирогига айлантир, кўнгилни унинг мухаббати шамъи билан ёритиб тур, дейди шоир. Чунки ёр ўки дардига гирифтор юрак хамма вақт ёник, машъаладор бўлади.

Мана шу якун билан газалнинг умумий мазмуни ях-литлик топади, байтлар ўзаро боғланган. Асар бошида кўринган ёрга илтижо, вафога даъват этувчи муножот ва ошик садокатининг изхори бора-бора табиат, фалак ишлари хақидаги ўй-фикрларга уланиб кетиб, хаёт бокийлиги, унинг ишк тимсолидаги эзгу ва сафоли нашидаси, Ёр жамолига чанкок Кўнгилинг дардли талпинишлари куйланади.

Навоийнинг байтлари катида яшириниб ётган маънолар шу кадар теран, шу кадар кўламлики, у дурлар тўла денгизга ўхшайди. Бу денгизга шўнгиган одам албатта янги маъно дурларини кўлга киритиб, бахрамандлик бахтини туйиши мукаррар.

Нажмиддин Комиловнинг
"Тасаввуф" китобидан